

# VII МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

20-22  
ОКТАБРЯ



## НАУКА И ОБРАЗОВАНИЕ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ВЫЗОВЫ XXI ВЕКА



Нур-Султан, Казахстан

**ОБЪЕДИНЕНИЕ ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ В  
ФОРМЕ АССОЦИАЦИИ  
«ОБЩЕНАЦИОНАЛЬНОЕ ДВИЖЕНИЕ «БОБЕК»  
КОНГРЕСС УЧЕНЫХ КАЗАХСТАНА**

**"SCIENCE AND EDUCATION IN THE MODERN WORLD:  
CHALLENGES OF THE XXI CENTURY"**

**атты VII Халықаралық ғылыми-тәжірибелік  
конференция  
ЖИНАҒЫ**

**МАТЕРИАЛЫ**

**VII Международной научно-практической  
конференции  
«НАУКА И ОБРАЗОВАНИЕ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ:  
ВЫЗОВЫ XXI века»**

**СЕКЦИЯ 20. ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ НАУКИ**



2. Муминов О.А. «Требования к урокам современной географии». Ташкент "Учитель" 1990 г.
3. Кубонниезов Р. «Методика преподавания географии». Ургенч, 2001 г.
4. Национальная энциклопедия Узбекистана. Ташкент 2004 Издательство «Национальная энциклопедия Узбекистана».

УДК: 7А6.1

### ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

**Машраб Рустамович Усманов, Тошпулат Алибоевич Шогдаров**

Жиззах давлат педагогика институти  
Жиззах. Узбекистон.

***Аннотация:** Мазкур мақолада Жиззах вилоятининг туризмни ривожлантириш масалаларига бағишланган бўлиб, вилоятда туризм, экотуризм, экосаёҳат, экомаришрут ҳамда муҳофаза этиладиган ҳудудлар ҳамда маданий мерос объектлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган.*

***Калит сўзлар:** туризм, хорижий сайёлар, экотуризм, экосаёҳат, маданий мерос, зиёратгоҳ жойлар, қўриқхоналари, маданий мерос объектлари.*

Мамлакатимизда туризм фаолиятни ривожлантиришнинг янги даври бошланди. Бинобарин, маълум даражада тажрибалар тўпланди ва эндиликда ушбу тажрибани таҳлил қилиш эҳтиёжи туғилмоқда. Жаҳон туризм индустрияси фаолияти тажрибасининг илғор жиҳатларини, истеъмолчилар хоҳишининг маркетинг тадқиқотини, туристик маҳсулотларини шакллантириш ва уларни тақдимот этиш борасидаги амалий тадбирлар натижаларини батафсил ўрганиш лозим бўлмоқда. Дунёда ҳеч бир одам бир бирига айнан ўхшамагани каби ҳеч бир жой айнан иккинчисини такрорламайди. Ҳар бир давлат, регион, шаҳар, ҳудуд бир-биридан жойлашган ўрни ва туристик жозибаси билан фарқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устивор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида "...туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўришимиз лозим. Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, тарихий обидалари, диний қадамжолари, миллий қўриқхоналари мавжудлиги ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта имконият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради. 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш миллий концепциясини ишлаб чиқиш ва шу асосда 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёлар сони 7 миллион нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард АҚШ долларига етказиш лозим" –деб вазифа берилганлигини келтириб ўтиш мумкин.

Бундан ташқари, ушбу соҳани жадал ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини келтириб ўтиш мумкин. Ушбу қарорда 2019-2021 йилларда Ўзбекистон



Республикасида меҳмонхоналар қуришнинг мақсадли параметрлари, истиқболли инвестиция лойиҳалари, замонавий ахбарот технологияларини тадбиқ этиладиган маданият объектлари ва муассасалари белгилаб берилди.

Жиззах вилоятида туризмнинг кўплаб турлари, хусусан тарихий, архитектура ва археологик обидалар, тарихий рекреация мақсадлари, диний қадамжолар, зиёратгоҳ жойлар, экотуристлик манзиллар ҳамда ўзига хос маданий-этнографик анъаналари минтақа туризм хазинаси ҳисобланади. Аммо ҳозирги кунга қадар вилоятларнинг аксарият туманларидаги туристик имкониятлардан фойдаланилмаябди. Бунинг учун минтақа туризм географиясини кенг кўламли ўрганиш, ҳамда аниқ мезонларни ишлаб чиқишилиши лозимдир.

Вилояти туризм имкониятлари жиҳатдан нафақат Ўзбекистонда, балки, Марказий Осиёда етакчи туристик минтақалардан биридир. Жиззах воҳасининг ўзига хос сўлим ва бетакрор табиати, шунингдек халқимизнинг кўҳна тарихи, билан алоҳида ўринда турувчи Бахмал, Зомин, Фориш, Галлаорол, Арнасой, Янгибод туманлари худудларида дунё туристларини туризм бўйича жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бутун дунё миқёсида кейинги йилларда экотуризм сайёҳликнинг истиқболли йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири табиатга саёҳат инсон учун хузр-ҳаловат бағишлайди. Шунинг учун ҳам жаҳон туризм индустриясида табиат объектларига саёҳат қилишга талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Экотуризм бу табиат томонидан яратилган мўжизалар, қоялар, шаршаралар, булоқлар, кўллар, ғорлар, ноёб ўсимликлар, ўрмонлар ва хатто табиатда инсонлар томонидан қолдирилган қадимий ёдгорликлар мавжуд бўлган объектларни киритиш мумкин. Экосаёҳатлар ўзига хос завқ берса, бошқа томондан фойда олиш учун имконият яратилади, хорижий валюта тушумини оширади, инфраструктура ривожланади ҳамда кўплаб янги иш ўринлари яратилади.

Вилоят экотуризмни худудий ташкил этиш ва ривожлантириш учун бизнингча, қуйидаги йўналишларда истиқболли маршрутлар ишлаб чиқиш таснифини тавсия этамиз:

-текислик экомаршрут (Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофи-Жиззах-Айдар-Арнасой экомаршрути);

-тоғолди худуд (чашмалар, ғорлар –Жиззах-Фориш, Жиззах-Галлаорол экомаршрути);

-тоғли худуд (қўриқхоналар ва миллий боғ, Бахмал ва Зомин, Нурота-Жиззах-Бахмал-Зомин, Жиззах-Нурота экомаршрутлари) ва бошқалар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ муҳофаза этиладиган табиий худудлар давлат ва буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, ўрмон хўжаликлари, овчилик хўжаликлари, курорт зоналар алоҳида тоифаларга бўлинган. Улар ўзининг ноёб экотизими, ҳайвонот ва наботот олами, шунингдек, маданий ёдгорликлари билан муҳим аҳамиятга эга.

Жиззах вилоятида 372 та маданий мерос объектлари давлат муҳофазасига олинган. Уларнинг 42 таси тарихий обида зиёратгоҳ, 267 таси экологик манзил, 63 таси монументал ёдгорликлар сифатида асраб – авайланади. Буларнинг барчасини туристик манзил сифатида қайта кўриб чиқиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Вилоят худудида Зомин давлат қўриқхонаси, Нурота давлат қўриқхонаси, Зомин миллий боғи жойлашганлиги экотуризм истиқболида аҳамиятлидир.

Бугунги кунда муҳофаза остига олинган табиий худудлар экологик туризмнинг асосий бўғини ҳисобланади. Кейинги йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатлари қўриқхоналарнинг муҳофаза этиладиган 291 худудларида ва унга туташ худудларида экологик туризм, янги миллий табиий боғлар яратишга кенг имкон яратадики, бу



давлатнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолишга қаратилаётган эътиборидан далолатдир.

Вилоят туризмнинг кучли томонлари: Вилоятдаги табиий манзилларда экологик тоза ва табиатга ўта яқин дам олиш турини ташкил этиш имконияти мавжуд бўлиб, бугунги куннинг долзарб масалаларидан хисобланади. Инсон организмини соғломлаштириш хусусиятига эга жойларнинг кўп эканлиги, биологик, экологик, тарихий-маданий томондан яхши ўрганилган миллий табиий халқ боғининг мавжудлиги, халқ боғи ва давлат қўриқхоналарининг худудида ўзига хос табиий, тарихий ва маданий туристик манзилларнинг мавжудлиги, Маҳаллий ва худудий раҳбарлар томонидан туризмнинг қўллаб қувватланаётганлиги ҳамда аҳолининг туризм соҳаси келажагига ишончи борлигидадир.

Имкониятлар: Инфраструктурани шакиллантириш учун маъсул, барча жавобгарликни зиммасига олувчи ташкилотни шакиллантириш мумкинлиги, туризмга мутахасислик нуқтаи назардан ёндашувчи органнинг шаклланаётганлиги, меҳмондўстлик ва ташриф буюрувчиларга юқори малакали хизмат кўрсатиш имкониятининг мавжудлиги, Маҳаллий аҳолининг раҳбарият ва туристик маъсуллар билан биргаликда ишлаши ҳамда маҳаллий аҳоли ва алоҳида қўриқланадиган табиий худудлар ходимларининг туристларга хизмат кўрсатиш юзасидан кам даражада бўлсада билим ва кўникмага эга эканлиги ҳамда тўла ўрганишга ҳаракат қилинаётганлиги.

Хулоса қилиб айтганда туризмни ривожлантириш мумкин бўлган худудларда вилоят сайёҳат бошқармаси бўлимларини ташкил этиш керак. Вилоят туманларидаги сайёҳлик бўлимларига ривожланган мамлакатларнинг туризм бўйича волонтерларини таклиф этиш лозим, вилоят сайёҳлик бўлими ва алоҳида қўриқланадиган худудлари ходимларининг туризм йўналишида ривожланган мамлакатларга малака оширишга боришларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Вилоят туризмнинг моддий базасини яратиш ва туристик манзилларни реконструкция қилиш, турмаршрутларни ишлаб чиқиш ва реклама қилиш учун етарли маблағ жамғариш мақсадида вилоятдаги мавжуд корхона ва ташкилотлар, касаба уюшмалари томонидан жамғармаларини ташкил этиш лозим. Вилоятда мавжуд археологик ва табиий ёдгорликларни реконструкция қилиш ва сақлашга бағишлаб турли тадбир ва махсус спорт мусобақалари уюштириш керак. Вилоятда мавжуд хунармандлар уюшмаси, фольклор жамоалари, музейлар ва ошхоналар билан бирга туризмнинг турли мавсумига бағишлаб туризм ярмаракларини ташкил этилиши лозим.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 й.
2. Хошимов М. Ўзбекистоннинг экологик туризми.-Самарқанд, 2012
3. Нигматов А., Шомуратова Н. Экологик туризм - янги фан соҳаси// Экология хабарномаси, 2003. 6-сон. 14 -17-б.
4. Бродский А.А. Охраны природы в Туркистане.-Тошкент,1993
5. Шомуратова Н.Т. Экотуризмнинг ривожланиш босқичлари// Халқаро илмий-амалий конференция.-Андижон 2007 96-б.
6. <http://www.eco-tourism.uz/>



МАЗМУНЫ  
СОДЕРЖАНИЕ  
CONTENT



Нурматов Ш.Ш. (Таджикистан) .....	3
Лаукелқызы Аяулым (Нұрсұлтан, Қазақстан) .....	9
Султонов Шухрат Адхамович, Навотова Дилноза Иброгимовна, Алиева Дилфуза Иброгим кизи (Самарқанд шаҳри, Қарши шаҳри, Ўзбекистон) .....	12
Кайырманова Ғалия Сатыбалдықызы (Өскемен, Қазақстан.) .....	16
Каржауова Маншук Жолдасбаевна, Мешитбаева Аружан Айдаровна, Мырзабекова Жанель Ерланқызы (Алматы қаласы, Қазақстан) .....	18
Кононова Н.К. (Севастополь, Россия) .....	22
Юсупов Бекзод (Джизах, Ўзбекистон) .....	26
Аширов Тамерлан Ерғалиұлы (Алматы, Қазақстан) .....	29
Rafikov Vahob Asomovich (Republic of Uzbekistan) .....	32
Нургалиева Айгерим Серикбосыновна (Қазақстан) .....	35
Хакимов Кошкар Махкамович, Хакимов Бекзод Бекпулатович (Джизак. Республика Узбекистан) .....	38
Гаппаров Азимбек Назарович (Джизах, Ўзбекистон) .....	41
Холдорова Гулбахор Михлибоевна (Джизах, Ўзбекистон) .....	44
Адилова Озода Амоновна (Жиззах, Ўзбекистон) .....	47
Хайдарова Сурайё Абдусаломовна (Жиззах, Ўзбекистон) .....	49
Машраб Рустамович Усманов., Тошпулат Алибоевич Шогдаров (Жиззах, Ўзбекистон).....	52
Бикирова Айнура Шаршеналиевна (г. Каракол, Кыргызская Республика) .....	55
Тошбоев Зафаржон Махрамкулович, Холмирзаев Жуманазар Эргашевич (Жиззах, Ўзбекистон) .....	59
Еркімбаев Диас Ұланұлы (Алматы, Қазақстан) .....	63
Морозова С.В. <sup>1</sup> , Полянская Е.А. <sup>1</sup> , Кононова Н.К. <sup>2,3</sup> ,Алимпиева М.А. <sup>1</sup> (Россия) .....	66
Морозова С.В. <sup>1</sup> , Полянская Е.А. <sup>1</sup> , Кононова Н.К. <sup>2,3</sup> ,Алимпиева М.А. <sup>1</sup> (Россия) .....	68